



БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КЛАССИФИКАЦИЯСИ

С.Х.Суллиева

Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, Тертмиз давлат
университети ботаника кафедраси доценти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7812743>

Аннотация: ушбу мақолада бегона ўтлар нақадар кўп бўлиши билан бирга ҳар хил биологик хусусиятларга эга бўлиши сабабли уларга қарши курашиш усуллари ҳам турлича бўлаши. Шу сабабли ҳам, бегона ўтлар бир йиллик, икки йиллик, кўп йиллик бўлиши билан бирга эрта баҳорги, баҳорги, кеч баҳорги, ёзги, кузги, қишги ва бошқа даврларда яшовчиларга бўлиниши. Шу билан бирга паразит бўлмаган, ярим паразит, паразит ва бошқаларга бўлиниши. Шу сабабли ҳам бегона ўтларни махсус классификацияси бўйича ўрганиб, уларга қарши курашиш режасини олдиндан тузилиши керак бўлишлиги бўйича фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: кузги буғдой, бегона ўтлар, бир паллали ўсимлик, гербицид, буғдойзор, ҳосилдорлик.


Аннотация: В этой статье, чем больше сорняков и биологических характеристик сорняков, тем больше различий в методах борьбы с ними. Следовательно, сорняки должны быть однолетними, двухлетними и многолетними, и их следует разделить на раннюю весну, весну, позднюю весну, лето, осень, зиму и другие сезоны. В то же время непаразитические, полупаразитарные, паразитические и так далее. Поэтому предлагается, чтобы сорняки изучались в соответствии с конкретной классификацией, и план должен быть составлен заранее.

Ключевые слова: озимая пшеница, сорняки, березовый завод, гербицид, пшеница, фертильность.

Abstract: In this article, the more weed and the different the biological characteristics of the weeds, the greater the differences in the methods used to fight them. Therefore, the weeds should be annual, biennial, and perennial, and are divided into those of early spring, spring, late spring, summer, autumn, winter and other periods. At the same time non-parasitic, semi-parasitic, parasite, and so on. It is therefore suggested that weeds should be studied according to a specific classification and a plan must be drawn up beforehand.

Key words: winter wheat, weeds, birch plant, herbicide, wheat, fertility

Бегона ўтларнинг қишлоқ хўжалик экинлари орасида 200 тадан 400 тагача тури учраб, сув ва озиқ моддаларни маданий экинларга нисбатан кўпроқ ўзлаштириши, соя қилиши, ҳосилни йиғиштириб олишга халақит бериши





билан бирга серуруғлиги, ноқулай шароитларга чидамлилиги, тез кўпайиши ва бошқа хусусиятлари билан характерланади .

В.А.Захаренко маълумотлари бўйича бегона ўтлар бошоқли дон экинлари орасида ривожланиб, дон ҳосилдорлигини 30-40% гача пасайиб кетишига сабабчи бўлади.

С.А.Котттекшир ишларидан маълум бўлишича, экинзорлар орасида 400 дан ортиқ зарарли ва заҳарли бегона ўтлар учраб нафақат маданий экинларга, балки одам ва ҳайвонларга ҳам катта зарар етказди.

Р.Данилов, П.П.Холманов, В.П.Шашков, В.С.Зуза бошоқли дон экинлари даласида бегона ўтларнинг эркин ривожланиши учун қулай шароит бўлишининг сабаби, бундай экинларнинг ўсиши ва ривожланиши жараёнида ишлов берилмаслиги бўлиб, катта зарар етказишини аниқлаган. Муаллифларнинг маълумотлари бўйича бошоқли дон экинлари орасида ривожланган пахтатикон бегона ўти ҳар гектар ердан 140 кг азот, 120 кг фосфор ва 30 кг калий ўзлаштира, кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлиги 16 ц/га, сомони 24 ц/га бўлганда 45 кг азот, 21 кг фосфор ва 30 кг калийни ўзлаштиришини ёзади, яъни, пахтатикон буғдойга нисбатан азотни 3 ҳисса, фосфорни эса 5 ҳисса кўп ўзлаштиришини аниқлаган.

А.Н.Киселёв маълумотлари бўйича бошоқли дон экинлари орасида бегона ўтлар кенг тарқалган бўлса, унга мутаносиб ҳолда касалликлар ва ҳашоратлар билан зарарланиш ортади. Масалан, ёввойи сулида сариқ доғ касаллиги, кўпайса райграсда сариқ вирус касаллиги кўпаяди.

Латвия шароитида ҳам кузги буғдой далаларида бегона ўтлар жуда кўп бўлиб, уларга қарши курашилмаса, ҳар хилдаги касалликлар ва ҳашоратлар кўпайиб кетиб, дон ҳосили барбод бўлади.

Мамлакатимиз шароитида экинзорлар орасида ривожланадиган бегона ўтлар ва уларга қарши курашиш ишлари 1960-1970 йилларда бошланган. Бошоқли дон экинлари далаларидаги бегона ўтларга қарши курашиш ишлари дастлаб лалмикор ерларда кўпроқ ўрганилган.

Мамлакатимизнинг суғориладиган ерларида кенг тарқалган бегона ўтлар бўйича дастлабки маълумотларни С.Н.Рыжов ва И.Ф.Сукачлар томонидан яратилган дарсликдан олиш мумкин. Ушбу олимларнинг ёзишича, тупроқда сув ва озикқа элементлар қанча кўп бўлса, бегона ўтлар шунча тез ривожланади.

Н.В.Покровский ва Т.Н.Солянкалар лалмикор ерлар учун яратган справочнигида бегона ўтлар ва уларга қарши курашиш ишларига катта





аҳамият бериб, лалмикор ерларда кенг тарқалган бегона ўтларнинг биологик хусусиятларини ўрганиб, уларга қарши курашишнинг агротехнологик ва кимёвий усулларини келтирган.


У.Алланазарова лалмикор ерда етиштириладиган буғдой далаларидаги бегона ўтлар бўйича фенологик кузатув ишларини олиб бориб, бегона ўтларнинг қачон пишиб етилиб уруғ бериши ва зарарини аниқлашга эришган.

И.Т.Васильченко ва О.А.Пидоттилар суғориладиган ерларда кенг тарқалган бегона ўтларни аниқлагични яратган. Ушбу аниқлагичда суғориладиган ерларда етиштириладиган экинзорларда 400 дан кўпроқ бегона ўтлар бўлиши қайд этилган.

Т.С.Зокиров ва А.Эрматов ишларида ҳам суғориладиган ерларда бегона ўтлар жуда кўп тарқалиб, экинларга катта зарар етказишлиги таъкидланади. Бир туп олабутада 100 минг донадан 700 минг донагача уруғ бўлади. Итқўноқ уруғи 25-30 йилгача, қўйпечак уруғи 50 йилгача, шўра уруғи 60 йилгача тупроқда сақланиб, ҳайвонлар организми орқали гўнг билан ерга қайтиб тушганда унувчанлиги тезлашади. Бошоқли дон экинлари орасида 200 дан ортиқ бегона ўтлар учраб, ёруғликни тўсиб соя қилиш, тупроқдаги сув ва озиқа элементларини ўзлаштириб, бошоқли дон экинларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига катта зарар етказилади. Қашқадарё вилояти шароитида Р.Тоштемиров ишларида пахта далаларидаги бегона ўтлар ўрганилган ва уларга қарши курашиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Қарши дашти шароитида шўра 690 кг/га қуруқ модда ҳосил қилиши учун 19,8 кг/га азот, 3,6 кг/га фосфор ўзлаштирса, ғўза 170 кг/га қуруқ модда ҳосил қилиши учун 3,8 кг/га азот, 1,2 кг/га фосфор ўзлаштиради.

Юқорида қайд қилинган ҳолатлар бошоқли дон ва бошқа экинларга жуда ҳам катта зарар етказадиган бегона ўтларга қарши курашиш деҳқончиликнинг асосий тадбирларидан бири ҳисобланади.

Ишимизнинг асосий мақсади кузги буғдой даласида баҳорнинг биринчи ярмида ривожланиб, буғдойга зарар келтирувчи икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши курашишдан иборат бўлганлиги сабабли бегона ўтлар классификацияси бўйича тўлиқ маълумот бермасакда бегона ўтлар классификацияси бўйича умумий ҳолда қисқача маълумотлар келтирамиз. Бегона ўтларнинг классификацияси бўйича дастлабки маълумотлар М.Г.Чижевский, А.Н.Киселёв, С. А. Воробьев, В.Е.Егоров, П.М.Балеев ва






А.Н.Ямшиковлар томонидандарсликларга киритилиб, тизимлаштирилган бўлиб, унда кам йиллик ва кўп йиллик гуруҳларга бўлинган.

С.Н.Рижов ва И.Ф.Сукачлар бегона ўтларни бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ҳамда шу гуруҳларни ҳам майда гуруҳларга бўлган.

А.М.Лыков ва бошқалар бегона ўтларни зарар келтирувчилик хусусиятлари бўйича паразит бўлмаган бегона ўтлар, паразит ва ярим паразит гуруҳларга бўлган. Ушбу олимлар бегона ўтларнинг вегетация даври бўйича кам йиллик ва кўп йиллик иккита катта гуруҳларга бўлиб, хусусиятлари бўйича ҳам кичик гуруҳларга бўлган. Кам йиллик бегона ўтлар икки йилликдан кўп бўлмаган гуруҳлардан иборат бўлиб, уларга эфемерлар, эрта баҳорги, кеч баҳорги, қишловчи, кузги ва икки йилликлар киради. Кўп йиллик бегона ўтлар эса вегетатив усулда кўпаймайдиган, лекин кучсиз кўпаядиган ва кучли кўпаядиган гуруҳларга бўлинади. Бегона ўтларнинг ушбу классификацияси амалий ишларда муҳим аҳамият касб этиб, уларга қарши курашишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Бегона ўтларнинг энг замонавий ва қулай классификацияси А.В.Фисюнов томонидан ишлаб чиқилган. А.В.Фисюнов бегона ўтларни паразит бўлмаган, паразит ва ярим паразит каби иккита катта гуруҳга ҳамда 5 та подтипларга (бир йиллик, икки йиллик, кўп йиллик, паразитлар ва ярим паразитлар) бўлади. А.В.Фисюнов классификацияси асосан бегона ўтларнинг биологик хусусиятлари бўйича тузилган. Ушбу классификация бўйича биринчи биологик гуруҳларга бир паллали ва икки паллали, баҳорги, кузги, қишловчи бегона ўтлар киради. Иккинчи биологик гуруҳларга икки паллалилардан факультатив ва ҳақиқий бегона ўтлар киради. Бегона ўтларнинг энг катта биологик гуруҳларига бир паллали ва икки паллали бегона ўтлар кириб, уларга туганакли, илдиз пояли, илдизидан кўпаювчи, илдизи сочиқли, пиёзли ва ўрмаловчи бегона ўтлар киради. Тўртинчи биологик гуруҳ бегона ўтларига фақат икки паллали бегона ўтлар кириб, улар илдизли ва пояли бегона ўтлардан иборат. Бешинчи биологик гуруҳ бегона ўтлар икки паллали бегона ўтлар бўлиб, илдизли ва пояли бегона ўтлардан иборат.

Демак, бегона ўтларнинг классификациялари орасида А.В.Фисюнов томонидан таклиф этилган классификация амалиётда бегона ўтларга қарши курашишда кўпроқ аниқликка эга бўлиб, ундан фойдаланиш жуда қулай.






Экин майдонларининг бегона ўтлар билан ифлосланганлик даражасини, қачон, қайси экин майдонларида, қандай миқдорда бўлишини олдиндан аниқланиши, яъни, башоратлаштириш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳада бир қанча илмий-тадқиқот ишлари ўтказилиб, бегона ўтларнинг ўсиши ва ривожланишини башоратлаштиришнинг бегона ўтларга қарши курашишда аҳамияти жуда катта эканлиги илмий ва амалий жиҳатдан тўла асосланган.

Ю.П.Манько ва В.В.Исаевлар бегона ўтларни ривожланишини олдиндан башоратлаштириш бўйича махсус услубий қўлланма яратиб, бегона ўтларга қарши қўлланиладиган услубларнинг муваффақияти уларни башоратлаштирилиши билан боғлиқлигини илмий ва амалий жиҳатдан асослашган. Айниқса, қайси бегона ўт, қайси экинлар даласида, қачон униб чиқиши, қай даражада экинзорларни ифлослантиришининг аниқ башоратлаштирилишининг услубий асослари бегона ўтларга муваффақиятли қарши курашишнинг пойдевори ҳисобланади.

Бегона ўтларнинг экинзорларда ривожланишини олдиндан башоратлаштириш билан бирга униб чиқадиган бегона ўтларнинг сони, ҳаётчанлиги биологик хусусияти, униб чиқиш коэффициенти ҳам аниқланса, агротехнологик усуллар билан бирга кимёвий усулларни қўллаш технологияси бўйича гербицидларнинг турлари, меъёрлари, қўлланилиш муддатлари ҳамда қайси турдаги бегона ўтларга қарши қайси гербицидларни қўллашни олдиндан режалаштирилиши осонлашади.

Бегона ўтларнинг ривожланишини олдиндан башоратлаштириш бўйича хориж давлатларининг олимлари томонидан ҳам муҳим ишлар амалга оширилган. Австралиялик олимларнинг бегона ўтларни кўпайишининг потенциал ҳолатларини олдини олишда олдиндан башоратлаштиришга бўлган эътибори жуда кучли бўлган. Тупроқдаги бегона ўтларнинг заҳирасини назорат қилиш учун олдиндан башоратлаштириш юқори самара беради. Тупроқдаги бегона ўтлар уруғларини олдиндан башоратлаштиришдаги асосий кўрсаткич бегона ўтларнинг уруғларининг сони эмас, балки ҳаётчан бегона ўтлар уруғлари ҳисобланади. Бундай ҳаётчан бегона ўтларнинг уруғлари заҳираси 3-6 фоизни ташкил этади.

Ю.П.Манько, В.В.Исаевлар бегона ўтларнинг тупроқдаги заҳирасини олдиндан башоратлаштиришни олға сурсалар, А.В. Фисюнов, Г.А.Березников, Е.М.Лебедь, Н.И.Придворев, И.Ф.Михайлова, Э.М.Шматлар экинлар майдонларидаги бегона ўтларни башоратлаштиришни олға сурадилар.





А.В.Фисюнов махсус услубий тавсиянома тузиб, унда нафақат тупроқдаги бегона ўтлар, балки экинзорлардаги бегона ўтларни башоратлаштириш бўйича махсус тизимни таклиф этган.

Г.А.Березников томонидан тузилган услубий кўрсатмада далаларнинг бегона ўтлар билан ифлосланганлик даражасини ҳисобга олиш, хариталаштириш йўли билан башоратлаштиришни таклиф этган.

Е.М.Лебедь, Н.И.Придворевлар алмашлаб экиш экинларининг ифлосланишини ҳисобга олишда махсус кузатув ишлари олиб бориб, 1м² майдонда 7 дона бегона ўт бўлиб, силос учун етиштирилаётган маккажўхори далаларида 11,4 дона, горох етиштирилаётган далаларда 15 та; кузги буғдой даласида эса 16,4 донадан бегона ўтлар учрашини аниқлаган.

Н.Ф.Михайлова, Э.М.Шмат, Н.В. Ланиналар бегона ўтларнинг 83 тури бўйича махсус тажриба майдони ташкил этиб, бегона ўтларни униб чиқишини ўрганганлар. Кузатувлари натижалари бўйича бегона ўтларнинг ҳар йили ўрта ҳисобда 10% униб чиқиб тупроқда қолганларининг униб чиқиши узоқ йилларгача давом этишини таъкидлашади.

Ю.П.Манько томонидан бегона ўтларни униб чиқиши бўйича башоратлаштириш услубида бегона ўтларнинг униб чиқиши экологик шароитга боғлиқ бўлиб, уларнинг униб чиқиш даражаси минтақавий хусусиятга эга бўлиши сабабли ҳар бир минтақанинг ўзига хос ва мос бўлган услубияти бўлиши таъкидланади.

В.П.Матвеев, В.И.Морозов, Е.А.Петухов, Р.Э.Джалиловлар экин майдонларини бегона ўтлар билан ифлосланганлик даражасини хариталаштириш йўли билан башоратлаштиришни алмашлаб экиш тизимига мос ҳолда тузилишини асослаганлар.

Ю.А.Злобин бегона ўтларнинг уруғларини бир текисда биринчи йилиёқ униб чиқмаслиги сабабли уларни бартараф этишнинг узоқ муддатли махсус тизимини ишлаб чиқилишини таъкидлайди.

А.М.Туликов, Ю.М.Коротков, В.Е.Капитанов, Р.С.Киреевлар тупроқнинг ва экинзорларнинг бегона ўтлар билан ифлосланганлик даражасини аниқлаб, уни бартараф этишни махсус режа асосида олиб борилса, самарадорлиги юқори бўлишини ёзади.

Н.Х.Рывкин, Л.К.Борисов, В.И.Бодня, А.П.Коваленко бегона ўтларга қарши гербицидлар қўлланилганда уларнинг сони ва турига мослаштириб гербицидлар ва уларнинг меъёрлари танланишини таклиф қилишган.





Р.С.Киреев тупроқда мавжуд бўлган бегона ўтларнинг турлари бўйича сонини аниқлаш билан бирга экин майдонларидаги бегона ўтларни ҳам турлари бўйича сонларини аниқлаб, тупроқда мавжуд бўлган бегона ўтларнинг сонлари билан экинзорлар орасида мавжуд бўлган бегона ўтлар орасида коррелятив алоқа бўлишини аниқлаган.

В.П.Коновалов, В.Г.Чайкалар бегона ўтларни ҳар томонлама ўрганиб, бегона ўтларга қарши курашишнинг энг муҳим жиҳатини экиш мўлжалланган доннинг бегона ўтлар уруғларидан тозалаш даражасига катта аҳамият берилишини таъкидлашади.

Мамлакатимизда бошоқли дон экинлари орасидаги бегона ўтлар ва уларга қарши курашишнинг махсус тавсияномаси 1996 йилда ишлаб чиқилган. Ушбу тавсиянома бўйича бошоқли дон экинлари орасида кенг тарқалган бегона ўтлар ва уларга қарши курашиш усуллари бўйича тавсиялар берилган.

Бегона ўтларга қарши курашишни башоратлаштиришга оид илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, бу соҳада жуда кўп тадқиқот ишлари олиб борилишига қарамасдан фикрларнинг бегона ўтларга қарши курашиш бўйича тўғри ва аниқ йўналишга қаратилишига қарамасдан барча масалаларнинг бир жойга тўпланиб, бегона ўтларга қарши курашишнинг комплекс усули кузатилмайди. Шу сабабли ҳам экинзорлардаги бегона ўтларни уруғламасдан бартараф этиш билан бирга ҳар бир деҳқончилик минтақаси шароити учун бегона ўтларни башоратлаштириш билан бирга уларга қарши курашишнинг бир неча 10 йилларга мўлжалланган режалари алмашлаб экиш далалари бўйича алоҳида-алоҳида тузилган бўлиши керак.

Экинзорлардаги бегона ўтларга қарши курашишда ерга ишлов бериш билан бирга экологик соф кимёвий усулларни қўлланилишининг самараси юқори бўлиши илмий-тадқиқот ишларда тўлиқ асосланган.

Бироқ, ерга ишлов бериш камайтирилган сайин бегона ўтлар кўпаяверади. Тупроқ эрозиясига қарши отвалсиз, яъни ҳайдалганда ҳам бегона ўтлар кўпайиб, гербицидлардан кенг фойдаланиш зарурияти туғилади.

Канада шароитида тупроққа ишлов бериш камайтирилганда гербицидлардан кенг фойдаланилади.

Молдовада ерга ишлов бериш билан бирга гербицидларни уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилиши юқори самара бериши аниқланган.

Д.С.Васильев, П.Н.Ярославскаяларнинг ёзишича, ерга асосий ишлов бериш ҳар бир минтақанинг тупроқ ва иқлим шароитига мос ҳолда амалга





оширилса ва бегона ўтларга қарши курашиш ерга асосий ишлов бериш билан бирга гербицидлар уйғунлаштирилиб қўлланилса самарадорлиги юқори бўлади.

Ҳар бир агротехник ва кимёвий усулнинг имконияти аниқ бўлса, олдиндан қайси ерга қайси агротехника ва кимёвий усулни қўлланилиши тўғри режалаштирилади. Агар ерга ишлов бериш билан алмашлаб экиш уйғунлаштирилса, ернинг бегона ўтлардан тўлиқ тоза бўлишига эришиш мумкин. Ерга ишлов бериш билан бошқа агротехнологик тадбирлар уйғунлаштирилиб олиб борилса, ем-хашак миқдори 27% дан 60% гача ошади.


А.П.Баранов тажрибаларида ерга ишлов бериш билан агротехнологик жараёнлар комплекс ҳолда олиб борилганда, буғдойнинг дон ҳосилдорлиги Кубан шароитида 42,6 ц/га ни ташкил этган.

Ш.Х.Ризаев ишларида Самарқанд вилоятининг қадимдан суғорилиб келинаётган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг бегона ўтларига қарши курашишда икки ярусли плуг билан ер ағдарилиб ҳайдалиши билан кузги буғдой даласига Гранстар гербициди 15 г/га меъёрда қўлланилганида бегона ўтларни бартараф этишнинг самарадорлиги юқори бўлишлиги аниқланган. Шунингдек, Ш.Ризаев, К.Мўминов, К.Мўминов, Ш.Ризаевларнинг бошқа ишларида ҳам ерга асосий ишлов беришнинг кимёвий усуллар билан уйғунлаштирилиши афзалликлари исботланган.

А.П.Баранов тажрибаларида ерга ишлов бериш билан агротехнологик жараёнлар комплекс ҳолда олиб борилганда, буғдойнинг дон ҳосилдорлиги Кубан шароитида 42,6 ц/га ни ташкил этган.

Ш.Х.Ризаев ишларида Самарқанд вилоятининг қадимдан суғорилиб келинаётган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг бегона ўтларига қарши курашишда икки ярусли плуг билан ер ағдарилиб ҳайдалиши билан кузги буғдой даласига Гранстар гербициди 15 г/га меъёрда қўлланилганида бегона ўтларни бартараф этишнинг самарадорлиги юқори бўлишлиги аниқланган. Шунингдек, Ш.Ризаев, К.Мўминов К.Мўминов, Ш.Ризаевларнинг бошқа ишларида ҳам ерга асосий ишлов беришнинг кимёвий усуллар билан уйғунлаштирилиши афзалликлари исботланган.

Россиянинг Краснодар ўлкаси шароитида ерни икки ярусли плуг билан ағдарилиб ҳайдалганида экиш олдида ер бороналанса, экинларнинг





қатор ораларига гербицидлар қўлланилса, бегона ўтларнинг кескин камайиши аниқланган.

Қаторлаб экилган экинларнинг қатор орасига гербицидлар сепилса, бегона ўтлар кескин камайиб, ҳосилдорлик ошади.

Шунингдек, бегона ўтларга қарши курашишнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, айрим олимлар бегона ўтларга қарши курашишда ерни провакацион суғориш усули самарали бўлса, бошқалари эса культивациянинг аҳамияти катта бўлишини таъкидлайди.

В.С.Циков, Л.А.Матюха тажрибаларида барча агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли ўтказилганида бегона ўтларнинг уруғлари 300 миллион донагача, вегетатив массалари 80 минг донагача камайганлиги аниқланган. Бегона ўтларни баҳорда тўлиқ униб чиққанидан кейин гербицидлар билан аммиакли селитра сепилиб, кейин ер ҳайдалиб экин экилганида бегона ўтлар кескин камаяди.

Бегона ўтларга қарши курашишнинг агротехник усулларида бири ерга асосий ишлов бериш чуқурлигини алмашлаб олиб бориш ва ҳар бир алмашлаб экиш ротациясида бир марта чуқур ҳайдаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. А.Ф.Одреховский, В.Г.Сирота ишларида бегона ўтларга қарши курашишда гербицидлар ҳам қўлланилиши билан бирга ҳар бир алмашлаб экиш ротациясида ер икки ярусли плуг билан 60 см чуқурликка ағдарилиб ҳайдалиб, алмашлаб экишнинг бир ротацияси мобайнида ҳар йили ерни ҳайдаш чуқурлиги табақалаштириб ҳайдалганида бегона ўтларга қарши курашиш самарадорлиги жуда ҳам юқори бўлган.

Кузги буғдой баҳорда бороналанса, бегона ўтлар 18% камайганлиги кузатилган. Экинзорларнинг бегона ўтлар билан ифлосланиш даражаси экинларнинг экиш муддатларига ҳам боғлиқ. Агар баҳорги буғдой кечиктирилиб экилса, ёввойи сули 70% гача камайган.

С.А.Фролов, В.И.Шевченколарнинг тажрибаларининг натижаларидан маълум бўлишича, маккажўхори кечиктириб экилса, бегона ўтлар кам бўлади.

А.Романенко тажрибаларининг натижаларида кузги буғдой оптимал муддатларда экилганида бегона ўтлар кескин камайган.

Агар далаларда ёввойи сули кўп бўлса, баҳорги бошоқли дон экинлари кечиктириб экилиши керак. Ушбу усулда бошоқли дон экинлари экилганида ёввойи сулининг бир қисми эртароқ униб чиқиб, ерга экиш олди ишлов бериш жараёнида нобуд бўлади.





Н.И.Конопля, Н.А.Остапенколар тажрибаларининг натижалари бўйича маккажўхори 20-25 апрелда гербицидсиз экилганида 1 м^2 майдонда 29 дона бегона ўт бўлиб, гербицид билан экилганида 1 дона бегона ўт бўлган. Маккажўхори 20-25 майда гербицид билан экилганида эса 1 м^2 майдонда 3 дона бегона ўт бўлиб, гербицидсиз экилганида 9 дона бегона ўт бўлган.

Бегона ўтларга самарали қарши курашишда бегона ўтларнинг турлари бўйича гербицидларни тўғри танланиши натижасида кузги жавдарнинг ҳосилдорлиги 4-5 ц/га га ошган, сарфланган харажат эса тўлиқ қопланган.

П.А.Ешко, П.Ф.Ионин, А.Р.Макаровларнинг тажрибаларида алмашлаб экиш тизимида тоза шудгорда бегона ўтларнинг уруғлари 511,1 миллион донадан 331,2 миллион донагача камайган.


Экинлар бир-бирлари билан аралаштирилиб экилса ҳам бегона ўтларнинг эркин ривожланишига тўсиқ бўлади. Худди шундай тажриба А.М.Туликов тажрибаларининг натижаларида ҳам кузатилган бўлиб, сули, арпа, кунгабоқар ва кузги рапслар аралаштирилиб, экилганида бегона ўтларнинг кескин камайиши кузатилган.

Экиш меъёрлари ҳам бегона ўтларга кучли таъсир кўрсатади. Масалан экинларнинг уруғини экиш меъёри оширилиб экилганда ҳам бегона ўтлар кескин камаяди. Н.Е.Воробьев Қрим шароитида кузги буғдой етиштиришда бегона ўтларга қарши курашишнинг агрофитоценологик усули қўлланилиб, ҳар гектар ерга 4 млн. дона/га унувчан уруғ сарфланиб экилганида бегона ўтлар массаси 1088 г/м^2 дан 300 г/м^2 гача камайиб, дон ҳосилдорлиги 22,1 ц/га дан 43,9 ц/га гача ошганлиги аниқланган.

Суғориш усуллари ҳам бегона ўтларга кучли таъсир кўрсатади. Масалан, экинлар ёмғирлатиб суғорилса ҳам бегона ўтлар кескин камаяди. П.Е.Топилин, Л.П.Топилиналар тажрибаларида экинлар ёмғирлатиб суғорилганда бегона ўтлар кам бўлиб, ёмғирлатиб суғориш билан бирга гербицидлар қўлланилганда бегона ўтлар тўлиқ nobуд бўлиши билан бирга самарадорлик 2,5 бараварга ошганлиги аниқланган.

А.В.Тарасов, Н.Ф.Михайловалар ўтказган тажрибаларининг натижаларига асосланиб бегона ўтларга қарши курашишда агротехник, биологик, экологик ва кимёвий усуллар уйғунлаштирилиб, олиб борилса, экинларнинг ҳосилдорлигига етказиладиган зарар кескин камайиши аниқланган.

Бегона ўтларга қарши курашишда экинларнинг ёш майса даврида гербицидлар қўлланиб, бегона ўтлар nobуд қилинса, самарадорлик юқори бўлади. Чунки, бегона ўтлар майда бўлганида сув ва озика элементларини






кам ўзлаштиради ва соя қилаолмайди ҳамда касалликлар ва ҳашоратнинг ривожланишининг олди олинади.

Бегона ўтларга қарши курашишнинг муҳим жиҳатларидан яна бири ерга гўнг солишдир. В.В.Милый, Н.С.Кравченко, В.Я.Бухалолар гўнгни ерга солишдан олдин улар гербицидлар билан аралаштириб солинганда, бегона ўтларнинг кескин камайишини аниқлашганлар.

Демак, бегона ўтларга қарши курашишда комплекс агротехнологик жараёнлар муҳим омиллардан ҳисобланиб, ўз вақтида сифатли ва комплекс ҳолда қўлланилиши муҳим ўрин тутди. Бошқача қилиб изоҳлаганда барча агротехнологик жараёнлар бегона ўтларга қарши курашишда бир текисда тенг таъсир этиб, бир агротехнологик жараён иккинчисини ўрнини боса олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Sullieva, S., & Zokirov, K. (2019). Biology of weeds. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 1(2), 120-124.
2. Boboeva, N. T., & Nazarov, S. U. The fight against avena fatua in the middle of a wheat field. International Journal on Integrated Education, 3(2), 62-64.
3. Суллиева, С. Х., & Зокиров, К. Г. (2020). Структура урожайности озимой пшеницы при применении гербицидов против сорняков. Экономика и социум, (9 (76)), 323-326.
4. Xurramovna, S. S., & Tuhtamishovna, B. N. Use Atlantis Herbicide for Avena Fatua in the Middle of a Wheat Field. International Journal on Integrated Education, 3(1), 45-47.
5. Суллиева, С. Х., & Зокиров, К. Г. (2020). Вредные свойства и классификация сорняков. Экономика и социум, (9 (76)), 319-322.
6. Sullieva, S. X., & G'Zokirov, Q. The Structure of the Yield of Winter Wheat When Using Herbicides Against Weeds. International Journal on Integrated Education, 3(11), 37-40.
7. Khurramovna, S. S., & O'G, Z. Q. G. A. (2021). Medicinal plants in folk medicine. European Scholar Journal, 2(3), 109-112.
8. Суллиева, С. Х., Бобоева, Н. Т., & Зокиров, К. Г. (2019). ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЗЕМЛИ ВМЕСТЕ В ТЕКУЩЕМ ЛЕЧЕНИИ. Мировая наука, (6), 450-452.
9. Khurramovna, S. S. (2022). THE REACTION OF WATERMELON (CITRULLUS LANATUS (THUNB.) MATSUM. ET NAKAI.) TO ENVIRONMENTAL





- FACTORS. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development, 3, 99-102.
10. Sulliyeva, S., & Zokirov, Q. (2019). REPRODUCTION PLANTATIONS OF (HIPPOPHAE) IN SURHANDARYA REGION. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 1(2), 148-150.
 11. Menglikulovich, A. S., Chutbaevich, B. K., & Habibullaevich, A. F. (2022). RESTORATION OF SEED FERTILITY IN ORDER TO RENEW THE SAMPLES OF VEGETABLE CROPS STORED IN THE GENE POOL. American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 8, 91-95.
 12. KHURRAMOVNA, S. (2020). TECHNOLOGY OF GROWING ZAFFARON IN THE SURHANDARYA AREA. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(5), 335-337.
 13. Abdunazarov, E. E., & Zokirov, Q. (2019). PHYTOCHEMICAL INDICATORS OF MEDICINE PLANTS UNDER INTRODUCTION ON SALTED LANDS. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 1(5), 44-46.
 14. Yakubjonovna, N. A., Chorievich, J. U., & Khasanova, M. (2022). PRODUCING, STORAGE AND PROCESSING OF MELONS USING MODERN RESOURCE-SAVING TECHNOLOGIES. American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 10, 375-381.
 15. Yakubjonovna, N. A., Chorievich, J. U., & Khasanova, M. (2022). Effect of Storage Methods and Periods on the Nutritional Properties of Watermelon. Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences, 10, 63-66.
 16. Yakubjonovna, N. A., Chorievich, J. U., & Khasanova, M. (2022). Changes in yield and quality of melon dried fruit grown using different types of fertilization. Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences, 10, 67-70.
 17. Khurramovna, S. S., & O'g, Z. Q. G. A. (2021). Economic efficiency of application of herbicides against double and double weeds in autumn wheat field.
 18. Суллиева, С. Х., Бобоева, Н. Т., & Зокиров, К. Г. (2019). ВИДЫ И СОПТА ХРИЗАНТЕМ. Экономика и социум, (10 (65)), 315-317.

